ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК: 8.085. И-80

ФАСОҲАТЛИ НУТҚНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Ў.Ҳ.Исламов

*Мақолада Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва мулоқот одоби ҳақидаги фикрлари илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, нутқда кераксиз такрорларни юзага келиши тилдаги ғализ жумлаларнинг пайдо бўлишига шароит яратилишига сабаб бўлиши ҳақида Навоий билдирган танқидий фикрларга алоҳида ўрин берилган. А.Навоий асарларидаги яхши нутқнинг фазилатларига оид қарашларини кузатиш асосида **фасоҳат** (فصاحت) сўзининг маъноси нутқ маданияти, тил маданияти тушунчасига яқинлашиб келишини мисоллар ёрдамида исботлаб берган.*

Калит сўзлар*: тил, нутқ, нутқ маданияти, нутқ одоби, мулоқот одоби, маданий нутқ, фасоҳат, фасоҳатли нутқ, тўғри талаффуз.*

*В статье представлен научный анализ взглядов Алишера Наваи на культуру речи и коммуникативный этикет. Особое внимание уделяется критическим замечаниям Наваи о том, что возникновение ненужных повторов в речи приводит к появлению в языке сложных предложений. Опираясь наблюдения за представлениями о качествах хорошей речи в его произведениях, на примерах доказано, что значение слова **фасоҳат** (فصاحت) близко к понятию таких слов, как речевая культура и языковая культура.*

Ключевые слова*: язык, речь, культура речи, речевой этикет, культурная речь, красноречие, образность речи, правильное произношение.*

Ўтмишда яшаб ўтган бирорта улуғ аллома йўқки, у ўз асарларида тил, нутқ, нутқий одоб ҳақида сўз, панду насиҳатларини, ҳикматли гаплари, ноёб мулоҳазаларини ёзиб қолдирмаган бўлсин. Уларнинг нутққа оди фикрлари нафақат ўша давр замондошларига қаратилган, балки келажак авлодлар учун буюк маданий, маънавий қурол бўлиб хизмат қилишини орзу қилишган.

Фасоҳатли нутқ тўғри талаффуз меъёрига амал қилмоқ, мазмунли нутқ, ифодалашга мос овоз ҳамда оҳангга эга бўлиш демакдир. Бу эса кишилар олдига тилни мукаммал эгаллаш, ундан тўғри ва унумли фойдаланиш, нутқни эзгу мақсадларга йўналтириш вазифасини қўяди.

Минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз бадиий даҳосининг маҳсули бўлмиш нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоб. Уларнинг аллақанчаси туркий тафаккур теранлиги ва тахайюл бепоёнлигининг муҳташам обидалари ўлароқ жаҳон бадийяти ганжинасининг тўрида қўр тўкиб турибди [1. Б. 25].

Нутқ одоби ва маданияти тушунчаси намунавий, фасоҳатли нутқнинг талаб ва меъёрларига оид мулоҳазалар қадимий тарихга эга. Аммо ўтмишда аждодларимиз нутқ маданиятини асосан нутқий одоб деб тушунишган ва унга нутқий ахлоқи ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашнинг воситаларидан бири, деб қарашган. Нутқ одобининг асосий мезони эса эзгу сўз, рост сўз, ростгўйлик, мазмундор ва чиройли, таъсирчан нутқ, деб ҳисобланган.

Алишер Навоий фасоҳатли оғзаки нутқ ҳақида фикр юритар экан, унинг юзага чиқиш воситаси ва шакли бўлмиш талаффузга, овоз ва оҳангнинг мақбуллигига катта эътибор берган, улар нутқнинг мақсад ва вазифасига мос бўлиши лозимлигини таъкидлаган. Навоий нутқ жараёнида сўзларнинг талаффузи, гапнинг, нутқнинг оҳангдорлиги муҳим эканини қайта-қайта такрорлаган. Гап шундаки, аниқ талаффуз сўзларни тўлиқ шаклда айтишга, айниқса, омонимик ва паронимик шаклдаги сўзларни маъносига кўра фарқлашга, тингловчининг бундай сўзларни тез фаҳмлашига хизмат қилади. Шунингдек, равшан, тўғри талаффуз, юмшоқ, майин оҳанг, керакли ўринларда риторик, кўтаринки оҳанг тингловчининг диққатини тортади, бундай бадиий асарлар ўқилганда эса китобхонни мафтун қилади. Шу сабабли Навоий ўз асарларида талаффуз, оҳанг масаласига кенг тўхталган.

Нутқнинг мазмунли, теран бўлиши ҳақида гап кетар экан, Навоий бу масалада илм аҳли, олимлар нутқига масъулият юклайди. Олим нутқи, Навоий фикрича, мантиқан изчил, мазмунли бўлиши керак:

Нутқики изҳори маони қилиб,
Зевари асрори ниҳони қилиб [9. Б. 189].

Навоий Ҳусрав Деҳлавий ижодини мадҳ қилар экан, унинг асарлари бир жаҳонки, ҳаммаси маъно, лафзи жисмининг асоси ҳам маъно (маъни), дур дейди:

Не жаҳонким, жаҳони маъни ул,
Лафз жисмида жони маъни ул [10. Б. 28].

Навоий нутқ (сўз) маъно ва мазмуни билан қадрли деб ҳисоблайди ва буни шеърий нутқ билан боғлаган ҳолда талқин қилади:

Назмки, маънианга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас [9. Б. 48].

Навоий нутқнинг маъноли ва сермазмун бўлиши ҳақида гапирганида ушбу тушунчани ифодалаш учун қуйидаги атамаларни қўллаган:

Гавҳари маъни **(**معنیگوهری**)** – маъноли сўз, теран мазмунли, қимматли сўз:

Гавҳари маъниҳамоно ул дурур:
Сайри бемаъни манга бу йўл дурур [11. Б. 59].

Гавҳари маъники мазкур айладинг,
Номуносиб амр мазбур айладинг
[11. Б. 59; 8. Б. 387].

Гавҳарфишонлиғ **(**گوهرفشانلیغ**)** – маънодор сўзлардан фойдаланиш, ширинсухан бўлиш:

Аёғдин бошига хусравнишонлиқ,
Сўзида баҳрдек гавҳарфишонлиқ айладинг
[12. Б. 179; 8. Б. 389].

Гармнафас **(**گرمنفس**)** – юракдан чиқадиган, теран маъноли ва таъсирдор сўз:

Сидқ ила ҳар гармнафаским уриб,
Реву риё хирмонини куйдуруб
[9. Б. 131; 8. Б. 398].

Гуҳарпош **(**گوهرپاش**)** – теран маъноли сўзлар айтувчи:

Париваш бўлди чун мундоғ гуҳарпош,
Аёқ тутмоқ учун қўпти уруб бош
[12. Б. 278; 8. Б. 430].

Гуҳаррез **(**گوهرریز**)** – маъноли сўзлар билан изҳор қилувчи:

Киши мундоқ бўла олмай гуҳаррез,
Магар ул ҳиндуйизода шакаррез [12. Б. 28].

Дурфишонлиқ **(**دورفشان لیق**)** – маънодор сўзлар айтиш:

Дурфишонлиққа қилким фош қилғил,
Тилимни доғи гавҳарпош қилғил
[12. Б. 7; 8. Б. 515].

Дақиқ **(**دقیق**)** – ингичка, нозик; қийин, чуқур маъноли: «Булар ул ҳазратнинг *дақиқ сўзин* ё англамай, ё англасалар ҳам буюрулғон йўсун била амал қилмай» [7. Б. 39; 8. Б. 474].

Дақойиқ **(**دقائق**)** – теран ва нозик маънолар: «Бу алфоз ва иборатда бу навъ *дақойиқ* кўпдурким» [7. Б. 23; 8. Б. 474].

*Дур (*دور*) – маъно, сўз маъноси:*
Бу дурларки – мен сочтим офоқ аро,
Нужум ўрниға чархи нух тоқ аро»
[13. Б. 557; 8. Б. 213].

Диққатлиқ // лиғ (دقّت لیق) – теран маънолилик, мазмундорлик: «Алар макри таърифида кўп улумда доно ва кўп *диққатлиғ* ҳукамо китоблар тасниф этибдурлар» [14. Б. 43; 8. Б. 495].

Каломовар айла (моқ) **(**کلام آور**)** – теран маъноли сўзлар айтмоқ, нутқда ана шундай сўзлардан фойдаланмоқ:

Нутқини айлади каломовар,
Ўйлаким бурноғи паёмовар
[10. Б. 391; 5. Б. 93].

Маонийлиқ (لیقمعانی) // *мазмунлуқ* **(**مضمون لوق**)** – маъноли, сермазмун: «... пок алфоз ва *маонийлиқ* ашъори ишқ аҳлининг орасида ғавғо ва важди ҳол анжумани фазосида алоло солибдур» [14. Б. 68; 8. Б. 230].«Сафар азмида мусофирдин айрилур чоғда хайрбод *мазмунлуқ алфозни* радиф қилиб айтқан шеърнинг матлаъи фурқатнома келибдур» [15. Б. 188; 5. Б. 207].

Маоний ғаробати (غرابتیمعانی) – маъноларнинг ажойиблиги, ўзига хос, оригиналлиги: «... *маоний ғаробати* ва адо салосати дилпазир боғламоқда суубат бор» [7. Б. 38; 5. Б. 230].

Мағзлиқ **(**مغزلیق**)** – нутқнинг мазмундорлиги, теран маъноларга тўлиқлиги: «Қўрқут ато а.р. Кўп мавъизаомиз *мағзлиқ* сўзлар арода бор». [15.Б.421; 5. Б. 282].

Нуктаронлиғ (نکتهرانلیغ) – нозик ва теран маъноли сўзлардан фойдаланиш, мазмундор нутқ сўзламоқ:

Дур киби пок нуктаронлиғ этай,
Шаҳ мадҳида дурфишонлиғ этай
[10. Б. 60; 5. Б. 490].

Ғавс (غوس) – сўз маъноларини чуқур англаш ва сўзни мулоҳаза билан қўлламоқ: «...аҳодис дарёсиға *ғавс* қилур эрдим ва андин гаронмоя гавҳарлар иликка кивурур эрдим» [16. Б. 127; 2. Б. 94].

Навоий нутқи нотекис, маъносиз сўз сўзловчиларни ёқтирмаган, уларни қаттиқ қоралаган. Масалан, «Насойим ул-муҳаббат» асарида Ҳаким

Санойи Ғазнавий р.т. ҳақида гапириб ёзади: *«Сўзида маъною маънисида сўз бўлмаган* айтганларимдан қайтдим» [17. Б. 458].

«Насойим ул-муҳаббат»да Навоий Ҳожа Музаффар Аҳмад Ҳамадони қ.т.с. ҳақида сўзлаб ёзади: «Онинг *яхши баёни ва олий иборати* бор эрди фано ва бақода» [17. Б. 214].

Нутқнинг мақсади очиқ, равшан бўлиши лозим, нутқ сирли, дудмол бўлмаслиги лозим. Ушбу талаблар қуйидаги сўз ва бирикмаларда ифодаланган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да: «Мавлоно Али Шиҳоб – туршизликдур. Султон Муҳаммад Бойсунғур мулозими экандур, *ҳам равон, ҳам пухта айтур эркандур*» [15.Б.22].

Каломи фасиҳ **(**كلامى فصيح**)** – очиқ, равшан, тушунарли, фасоҳатли нутқ (сўз):

Агар жон эмас, бас недурким, Масиҳ,
Ўлук тургузур деб, каломи фасиҳ
[18. Б. 528].

Нутқ равшан, аниқ, тингловчининг ёки ўқувчининг уни тушунишига халақит берадиган нарсалардан халос бўлмоғи керак:

Вузуҳ **(**وضوح**)** – фикрни равшан, аниқ, тушунарли баён қилмоқ:

Ким, ўтруда еткай анингдек футуҳ,
Ки, шарҳиға бердим юқорроқ вузуҳ
[13.Б.53; 8. Б. 383].

Жалий **(**جلى**)** – аниқ, равшан қилиб, йирик ҳарфлар билан ёзилган хат:

Ҳар сори мева йиғочи жадвали,
Саф била ҳиндуки чекарлар жалий
[9. Б. 284; 19. Б. 224].

Нутқнинг қисқа, аммо равон бўлиши ҳақидаги фикрларини шоир конкрет шахслар тилига баҳо бериш орқали ҳам таъкидлаган: «Шайх Сулаймон Туркман Муваллиҳ қ.с. Ул Димишқда бўлур эрди. Эгнида эски шол ва ўрнидин оз қўпар эрди ва *сўз оз айтур*эрди» [17. Б. 412]; «Шайх Яҳъё қ.т.с. *Оз сўз айтур* эрди. Сўз айтурида монеъ ҳамоноки давоми таважжуҳда истиғроқ бўлмиш бўлғай» [17. Б. 445].

Инсоннинг тили тоза, покиза бўлиши лозим. Алишер Навоий кўп ўринларда пок тил (нутқ) ҳақида гапиради. У пок тил (нутқ)ни нутқнинг бошқа барча салбий хусусиятларига – ёлғончилик, бўҳтон, чақимчилик, қўпол нутқ ва бошқаларга қарама-қарши қўяди. Бу ҳозирги даврда нутқ маданиятининг коммуникатив сифатига омил қилиб олинаётган *нутқнинг софлиги* талабига мос келади. Киши нутқининг поклиги нутқ эгасининг виждонан поклигидан, маънавий юксаклигидан дарак беради. Навоийнинг таъкидлашича, айниқса, ошиқлар нутқи пок бўлмоғи керак. Чунки ошиқ тилида унинг севги изтироблари, аҳду вафоси ўз ифодасини топади:

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию, ҳам кўнгли пок
[9. Б. 166].

Навоий ўзининг севимли қаҳрамонларини мана шу нуқтаи назардан ҳам баҳолайди, ўзининг пок нутқ ҳақидаги орзуларини улар орқали ифодалайди:

Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок [12. Б. 72].

Фарҳод Меҳинбону базмида иштирок этар экан, унинг гапларига шундай баҳо беради:

Фасоҳатда сўзидин қосир идрок,
Ки, ҳар бир лафзи эрди гавҳари пок
[12. Б. 273].

Адибнинг фикрича, сўз (тил)нинг ўзи табиатан пок нарса. Бу ҳақда Навоийнинг тилни улуғловчи шундай мисралари бор:

Ҳам қадру атода баҳри афлок,
Ҳам лутфу баҳода *гавҳари пок* [11.Б.31].

Аммо мана шу пок (покиза) тилдан кишилар нопокиза, ғаразли мақсадларда фойдаланиши мумкин. Ҳаёли, одобли кишилар эса тилдан эзгу йўлда фойдаланади ва унинг чексиз бойликлари, имкониятларидан, яъни Навоий таъбири билан айтганда, *жавоҳири покидан* баҳраманд бўлади. Навоий Низомий Ганжавийни мана шундай буюк адиб, деб улуғлайди:

Ҳар ганжида сайрафийи идрок,
Ҳадсиз топибон жавоҳири пок [20. Б. 32].

Навоий Қайснинг муаллимини ҳам тилнинг покиза воситаларидан ўринли фойдаланган шахс сифатида эъзозлайди:

Чун топти бу навъ гавҳари пок,
Баҳр ўлди бу завқдин тарабнок [19. Б. 69].

Навоий Баҳромнинг нутқи ҳақида шундай дейди:

Терди ҳарён қафасда гавҳари пок,
Бир тараф тўкти лаъли оташнок [10. Б. 71].

Навоий мусофир (Муний) билан Баҳром ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни шундай фикрлар орқали таърифлайди:

Ким, эшитганлар офарин дедилар,
Пок лафзин дури самин дедилар [10. Б. 80].

Юқорида келтирилган нутқий фазилатлар нутқ маданияти ва одобини эгаллаганлик, сўзланаётган нутқнинг нутқий маданият талабларига жавоб бера олиш шарти ва мезонларидир. Қайд этилган тушунчаларга Навоий, деярли, барча асарларида махсус тўхталган, баъзиларини такрор-такрор уқтириб таъкидлаган. Навоий келтирилган фазилатларга эришиш учун тилни эъзозлаш, уни яхши эгаллаш лозимлигини асосий шарт қилиб қўяди. У тилни яхши билувчи ва унинг қонун-қоидаларига бўйсунувчи шахсларга нисбатан **«***забондон***»** дея мурожаат қилган.

Навоийнинг фасоҳатли нутқ ҳақидаги қарашлари таҳлилидан шуни англаш мумкинки, аввало, Навоий ўзи ўз асарларида фасоҳатли нутққа қўйиладиган барча талаблар, шарт ва мезонларга тўла амал қилган ҳолда асарларида бошқаларни ҳам нутқий комилликка чақириб, уларни ҳам ўзининг кетидан эргаштириб, ушбу мезонларга қатъий амал қилиши лозимлигини кўп бора таъкидлаган.

Алишер Навоийнинг фасоҳатли нутқ олдига қўйган лисоний талаблари – нутқнинг мазмундорлиги, нутқдаги сўзларнинг теран, аниқ, маънодорлиги, нутқнинг самимий бўлиши, сўз маъноларидан билиб, чуқур англаб фойдаланиш лозимлиги, нутқнинг тўлиқ ва муфассал баён қилиниши, нутқнинг аниқ ва равшанлиги, нутқ (гап)нинг қисқа, ихчам бўлиши, нутқ пок, тоза бўлиши лозимлиги, нутқнинг тил қонун-қоидаларига мувофиқлиги кабилар ҳозирги давр тилшунослиги намунали, маданий нутқ олдига қўяётган тамойилларга мос келади.

Зеро, тил ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаб лисоний тизимдир. У ўз ички ва ташқи имкониятларидан ташқари бир қатор нолисоний омиллар билан ҳам боғлиқдир. Мана шундай омиллар тилнинг ривожи ва бойлигига, ўзининг мураккаб, серқирра вазифасини тўлиқ ва мақсадга мувофиқ равишда адо этишига кўмаклашади. Энг муҳими, бир қатор лисоний омиллар тилдан, унинг меъёрларидан ўринли фойдаланиш, тилга тўғри муносабатда бўлишдек хусусиятларни тарбиялаб, меъёрга солиб туради. Тилнинг ривожи ва ундан самарали фойдаланишга халақит берувчи ҳодисаларни бартараф этади, тилнинг софлигини муҳофаза қилади. Мана шуларнинг барчаси тилнинг маданий ва маънавий қурол эканидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. *Маҳмудов Н.* Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 188 б.

2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати / Э.И.Фозилов таҳрири остида.Тўрт томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1984. – 624 б.

3. Навоий асарлари луғати /Муҳаррир: С.Муталлибов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 б.

4. Фарҳанги забони точики /М.Ш.Шукурова, В.А.Капранова, Р.Хашимова, Н.А.Масуми таҳрири остида. Икки томлик. 2-том. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 952 б.

5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. /Э.И.Фозилов таҳрири остида. Тўрт томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1983. – 644 б.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш томлик, 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 608 б.

7. Навоий, Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – 245 б.

8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати /Э.И.Фозилов таҳрири остида.Тўрт томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1983. – 656 б.

9. Навоий, Алишер. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 392 б.

10. Навоий, Алишер. Сабъаи сайёр. Мукаммал асарлар тўплами. 10-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 448 б.

11. Навоий, Алишер. Лисонут-тайр. Мукаммал асарлар тўплами. 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – 328 б.

12. Навоий, Алишер. Фарҳод ва Ширин. Мукаммал асарлар тўплами. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 544 б.

13. Навоий, Алишер. Садди Искандарий. Мукаммал асарлар тўплами. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.

14. Навоий, Алишер. Маҳбубул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами.14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – 130 б.
15. Навоий, Алишер. Мажолисун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13-том. – Тошкент: Фан, 1997. – 284 б.
16. Навоий, Алишер. Назмул-жавоҳир. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999. – 209 б.
17. Навоий, Алишер. Насойимул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами.17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – 520 б.
18. Навоий, Алишер. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
19. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати /Э.И.Фозилов таҳрири остида.Тўрт томлик. 4-том. –Тошкент: Фан, 1985. – 636 б.
20. Навоий, Алишер. Лайли ва Мажнун. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 356 б.

THE FACTORS CREATING ELOQUENT SPEECH

O‘.H.Islamov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(59). 109 – 114.

[1]State institute of arts and culture of Uzbekistan, Tashkent,100164, str. Yalang‘och mausoleums, 127 «A» (Uzbekistan). E-mail: uzdsmi@mcs.uz

Keywords: language, speech, culture of speech, speech etiquette, communication etiquette, cultural speech, eloquence, imagery of speech, correct pronunciation, linguistics, meaning, significant word, deep meaning.

Alisher Navoi, speaking of eloquent speech, paid great attention to the acceptability of pronunciation, sound and tone, which is the means and form of its emergence, and stressed that they should correspond to the purpose and function of speech. Navoi repeatedly stressed the importance of pronunciation of words, speech, melody of speech in the process of speech. The point is that clear pronunciation serves to utter words in full, especially to distinguish words in homonymous and paronymic forms according to their meanings, so that the listener could quickly understand such words. Also, a clear, accurate pronunciation, soft, gentle tone, rhetorical, uplifting tone in the right places attracts the attention of the listener, and even fascinates him when reading works of art. For this reason, Navoi focused on the issue of pronunciation and melody in the pages of his works. Because the notion of the etiquette and culture of speech has an ancient history, the considerations of the requirements and norms of exemplary, eloquent speech. But in the past, our ancestors understood the culture of speech mainly as a speech etiquette and considered it as one of the means of educating a person who is perfect in all respects. The main criteria of speech etiquette were considered to be kind words, truthful words, honesty, meaningful and beautiful, effective speech.

Speech qualities are the conditions and criteria for mastering the culture and etiquette of speech, the ability of the spoken speech to meet the requirements of speech culture. Navoi, in almost all of his works, pays special attention to the mentioned concepts, some of which he mentions again and again. Respect for the language and mastery of the language are the main conditions for achieving the qualities mentioned by AlisherNavoi. He referred to those who knew the language well and obeyed its rules as «***zabondon***».

Navai himself fully complied with all the requirements, conditions and criteria of eloquence, calling others to perfection in his works, and also he repeatedly stressed following them and strictly adhering to these criteria in his works.

Navoi’s linguistic requirements for eloquence speech are – the content of speech, the depth, clarity, meaningfulness of words in speech, the sincerity of speech, the need to know and use the meaning of words, the full and detailed narration of speech, the clarity and clarity of speech, it must be short, concise, the speech must be clean, pure, the speech must conform to the rules of language, and conform to the principles laid down by modern linguistics for speech culture.

Hence, language as a social phenomenon is a complex linguistic system. It is related to a number of extra-linguistic factors in addition to its internal and external capabilities. Such factors contribute to the development and richness of the language, to the fulfillment of its complex, multiformed task in a complete and purposeful way.

References:

1. Makhmudov, N. (2007) O‘qituvchi nutqi madaniyati [Speech culture of teacher]. Tashkent: Alisher Navoi National Library of Uzbekistan Publishing House.
2. Fozilov, E.I. (ed.) (1984) Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of works of Alisher Navoi]. Four volumes. 3-volumes. Tashkent: Fan.
3. Mutallibov, S. (ed.) (1972) Navoiy asarlari lug‘ati [Dictionary of Navoi works]. Tashkent: Literature and art Publishing House named after G.Guyam
4. Shukurova, M.Sh. (ed.) (1969) Farhngi zaboni tochiki [Tajik language culture]. Two volumes. 2-volumes. Moscow: Sovetskaya enciklopediya
5. Fozilov, E.I. (ed.) (1983) Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of works of Alisher Navoi]. Four volumes. 2-volumes. Tashkent: Fan.
6. Madvaliev A. (ed.) (2008) O‘zbek tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of Uzbek language]. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.
7. Navoi, A. (2000) Muhokamat ul-lughatain. A perfect collection of works. 20 volumes. 16-volumes. Tashkent: Fan.
8. Fozilov, E.I. (ed.) (1983) Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of works of Alisher Navoi]. Four volumes. 1-volumes. Tashkent: Fan.
9. Navoi, A. (1991). Hayrat ul-abror [Amazement of righteous]. A perfect collection of works. 20 volumes. 7-volumes. Tashkent: Fan.
10. Navoi, A. (1992). Sab’ai Sayyor [The Seven planets]. A perfect collection of works. 20 volumes. 10-volumes. Tashkent: Fan.
11. Navoi, A. (1996). Lisonut-tayr [Lisanut-tayr]. A perfect collection of works. 20 volumes. 12-volumes. Tashkent: Fan.
12. Navoi, A. (1991). Farhod va Shirin [Farhad and Shirin]. A perfect collection of works. 20 volumes. 8-volumes. Tashkent: Fan.
13. Navoi, A. (1993). Saddi Iskandariy [Saddi Iskandari]. A perfect collection of works. 20 volumes. 11-volumes. Tashkent: Fan.
14. Navoi, A. (1998). Mahbub ul-qulub [The soulful love]. A perfect collection of works. 20 volumes. 14-volumes. Tashkent: Fan.
15. Navoi, A. (1997). Majolis un-nafois [Building un-nafois]. A perfect collection of works. 20 volumes. 13-volumes. Tashkent: Fan.
16. Navoi, A. (1999). Nazm ul-javohir [Nazm ul-Javohir]. A perfect collection of works. 20 volumes. 15-volumes. Tashkent: Fan.
17. Navoi, A. (2001). Nasoyim ul-muhabbat [Breezes of love]. A perfect collection of works. 20 volumes. 17-volumes. Tashkent: Fan.
18. Navoi, A. (1988). Xazoyin ul-maoniy [Hazayn ul-Maoni]. A perfect collection of works. 20 volumes. 3-volumes. Tashkent: Fan.
19. Fozilov, E.I. (ed.) (1985) Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of works of Alisher Navoi]. Four volumes. 4-volumes. Tashkent: Fan.
20. Navoi, A. (1992). Layli va Majnun [Layli and Majnun]. A perfect collection of works. 20 volumes. 3-volumes. Tashkent: Fan.

Муаллиф ҳақида маълумот:
ИСЛАМОВ Ўткуржон Ҳосилжонович – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи. E-mail: islam@/mail.ru